

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари Т.Т.Турғунов,

Ҳар тамонлама ривожланган, етук, билимдон, жаҳон андозалари билан бўйлаша оладиган малакали кадрларни етказиб бериш таълимдаги бугунги ислохотларнинг асосини ташкил қилади. Шу сабабдан ҳозирда кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлашни янада такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Модомики, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёни олий ўқув муассасалари қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш масканларида амалга оширилаётган экан, унинг сифати олий ўқув юртининг салоҳиятига боғлиқ бўлади. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёни самарадорлиги ошириш негизида қуйидаги долзарб муаммолар ётади:

1. Кадрларни жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёрлаш.

Кадрларни керакли миқдорда ва керакли йўналишида тайёрлаш зарур. Бунинг учун жамият тараққиётидаги жуда кўп факторларни ҳисобга олишга тўғри келади. Кадрларни эҳтиёжга қараб тайёрлаш масаласи маълум даражада ижобий ҳал қилинса, битириб чиқувчи кадрларнинг иш билан таъминлаш муаммосини ечиш осонлашади.

2. Ўқув муассасасининг моддий- техника базасини яхшилаш.

Моддий- техника база деганда бирор йўналишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун зарур бўлган кўргазмали қуроллар, техник воситалар, макетлар, компьютерлар, станоклар, автоматик бошқарув системалари, замонавий электрон асбоблар ва бошқа қурилмалар тушунилади. Мустақиллик йилларида академик лицей ва касб-хунар коллежларида бу борада катта ишлар амалга оширилди. Бироқ, олий ўқув муассасаларининг моддий-техника базаси талаб даражасида эмас. “Олий ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш” бўйича

тайёрланган давлат дастурининг қабул қилиниши бу муаммонинг хал қилинишига ёрдам беради деб умид қилиш мумкин.

3. Ўқувчи ва талабаларни ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш.

Ҳозирги вақтда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланиши тўлиқ эмас. Олий ўқув юртлари талабаларининг дарслик ва ўқув қўлланмалар билан (айниқса, тор соҳалар бўйича) таъминланиши мутлақо талабга жавоб бермайди. Бундан ташқари етишиб келаётган авлод баркамол бўлиши учун уларнинг дунёқараши фақат дарслик ҳажмида чегараланиб қолмаслиги керак. Уларнинг дунёқараши кенг бўлиши учун лотин алифбосида бадий адабиётлар, илмий-оммабоп китоблар мавжуд бўлиши керак. Агарда замонавий дарслик ва адабиётларни ёза оладиган муаллифларга давлат томонидан маънавий ва моддий эътибор кучайтирилса, бу муаммо ҳам ўз ечимини топади.

4. Педагог-кадрлар салоҳияти.

Маълумки, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқитувчилари олий ўқув юртларининг касбий таълим факультетлари томонидан тайёрланади. Тайёрланган илмий даражали ёш кадрларнинг кафедраларда қолиб ишлашига қизиқиш ҳам етарли эмас. Давлат тест маркази томонидан кейинги йилларда олий ўқув юртларида ўтказилаётган кузатишлар профессор-ўқитувчиларни саралаш ва уларнинг касбий малакаси, педагогик маҳорати ва маънавий камолатини ривожлантиришга қаратилган.

5. Такомиллашган ўқув режалар яратиш.

Ҳозирги замон талабига жавоб берадиган, назарий ва амалий билимларни ўзида мужассамлаштирган кадрлар тайёрлашда ўқув режалар муҳим аҳамиятга эга. Бирор йўналишда етук кадрлар тайёрлаш учун ўқув режага киритилган фанларнинг қайси бири қай даражада керак, қанча назарий ва қанча амалий дарс қўйилиши, фанлар қайси кетма-кетликда

қўйилишини билиш керак. Мутахассислик фанларига кўпроқ соат ажратиш лозим. Юқоридаги фикрларни ҳисобга олиб, тузилган ўқув режаларни ҳар ўқув йилида асоссиз ўзгартиравериш мақсадга мувофиқ эмас.

6. Фан дастурларини тузиш.

Намунавий фан дастури асосида ҳар бир фан ўқитувчиси ишчи фан дастури ишлаб чиқади, фан дастурлари кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва мудир томонидан тасдиқланади. Ишчи режаларни тузишда ўрта осиелик олимларнинг шу фан соҳасига қўшган ҳиссалари, фаннинг ҳозирги замондаги тараққиёти талабаларни муайян фанга қизиқишини ўстириш, соддадан мураккаб томон баён усулбунини қўллаш, назария билан амалиётни узвий боғланишига эришиш каби томонларга эътибор бериш зарур. Ҳар бир ўқитувчи у ёки бу йўналишда таҳсил олаётган талабанинг мазкур фандан билиши зарур бўлган минимал билим ҳажмини тасаввур қилиш керак.

7. Ўқув жараёнида замонавий техник воситалардан фойдаланиш.

Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги даврда маълумотлар шу даражада кўпки, ахборотни замонавий техник воситалардан, компьютерлардан, интернет материалларидан фойдаланмасдан тингловчиларга етказиб бўлмайди. Халқимизнинг “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал” деган мақоли бизга маълум. Дарс жараёнида кўргазмали куроллардан фойдаланилганда тингловчининг эшитиш аъзолари билан бир қаторда унинг кўриш аъзолари ҳам иштирок этади. Жаҳон олимларининг тадқиқот натижаларига кўра, инсоннинг эшитиш аъзолари орқали олинган билимларнинг 15-20%и эсда қолса, кўриш орқали олинган билимларнинг 80-85%и эсда қолар экан. Шунинг учун ўқув - тарбия жараёнида кўргазмалилик тамойилини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

8. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.

Замонавий педагогик технологиялар ривожланган мамлакатларда кўп йиллардан бери қўлланиб келинади. Республикамиз ўқув муассасаларида бу

масала мустақилликка эришганимиздан кейин эътибор берила бошланди. Янги педагогик технологияларда аввалги технологиядан фарқли ҳолда талабаларнинг фаоллиги оширилади, дарс мобайнида улар фақат эшитувчи эмас, балки ўқитувчи томонидан бериладиган топшириқларни ижодий бажарувчи, ўз фикрини эркин баён қилувчи, назарий билимларни амалда қўллай олувчи шахсга айланади.

Дарсни ташкил этиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқнинг равонлиги, замонавий педагогик технологияни эгаллаганлик даражаси ва кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланишга боғлиқдир.

Бундан ташқари талабаларни билимларини мустақил эгаллашга ундовчи ўқитишнинг муаммоли усули, мунозаралар, дидактик ўйинлар, махсус ижодий топшириқлар, турли интерфаол усуллар таълим жараёнидан муносиб ўрин эгаллаши керак. Замонавий таълим муассасасини битирувчиси ўзгарувчан ҳаётини вазиятларга осон мослашиши, мустақил танқидий фикрлай олиши, маълумотлар билан саводли ишлай олиши, турли ижтимоий гуруҳларда осон мулоқотда бўла олиши каби хусусиятларга эга бўлиши лозим.

Т.Т.Турғунов,
ТДТУ қошидаги
ОИПИ профессори.